



№31 (884)  
2025 йил 15 апрель,  
сешанба

O'ZBEKISTON  
BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy  
gazeta

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

facebook.com/uzbunyodkor telegram.com/t.me/uzbunyodkor instagram.com/uzbunyodkor email.com/info@uzbunyodkor.uz website.com/uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг  
сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ХАЛҚАРО ТУРИЗМ МАРКАЗИНИНГ МАСТЕР-РЕЖАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев  
14 апрель куни  
“Sea Breeze Uzbekistan” халқаро туризм  
марказининг мастер-режаси тақдимоти  
билан танишди.**

Мамлакатимиздаги қулай инвестиция муҳити туфайли барча соҳаларга илғор ғоялар кириб келмоқда, янги мажмуалар барпо этилмоқда. Хусусан, туризмда сўнгги йилларда 2 мингдан ортиқ янги тадбиркор иш бошлади. Ўтган йили хорижий сайёҳлар ташрифи илк бор 10 миллиондан ошди. Биргина Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ ҳудудидА Амурсой ва “Ugam River” каби курортлар, “Белдирсой - Чимён - Нанай” туризм масканлари ташкил этилди.

Бундай ривожланиш суръати чет эллик инвесторларни ҳам ўзига тортмоқда. Жумладан, Чорвоқ сув омбори бўйида “Sea Breeze Uzbekistan” халқаро туризм маркази қурилиши ҳақида аввал хабар берилган эди. Бу галги тақдимотда ушбу йирик лойиҳанинг бир нечта хорижий компаниялар иштирокида ишлаб чиқилган мастер-режаси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, туризм марказини 10 та кичик ҳудудга бўлиб қуриш кўзда тутилмоқда. Уларнинг ҳар бири пиеда бориш мумкин бўлган қўнгилочар маскан ва хизматларни қамраб олади. Икки қирғоқ ўртасида кўприк қурилиб, келувчиларга қулайлик оширилади. Сув бўйида хиёбон, пляж ва дам олиш жойлари бўлса, қияликларда меҳмонхоналар, коттежлар, уйлар, ресторан ва томошагоҳлар бўлади. Шунингдек, маданият, таълим, тиббиёт, спорт масканлари барпо этилади. Яъни бу ерда фақат саёҳат эмас, балки йил давомида яшаш имконияти ҳам яратилади.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳа барча ташриф буюрувчиларга қулай бўлиши лозимлигини таъкидлаб, мажмуани зарур инфратузилма билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

## ТУРИЗМ ВА БУНЁДКОРЛИК ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев  
туризм ва бунёдкорлик лойиҳалари  
тақдимоти билан танишди.**

Шу йил 9 апрелда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари юртимизнинг бой тарихи ва маданияти, ажойиб табиатидан фойдаланиб, сайёҳларни ҳозиргидан 2-3 қарра кўпайтириш мумкинлигини таъкидлаган эди.

Шундай ҳушманзарга жойлардан бири – Бўстонлиқдаги “Чорвоқ дарвозаси” мажмуаси. Президентимиз ўтган йили декабрда унинг қурилишини бориб кўрган эди, яқинда лойиҳанинг биринчи bosқичи очилди. Мажмуада 16 та кўп қаватли уй, 3 та меҳмонхона, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, кафе ва ресторанлар, банк офиси, автотурагоҳ бўлади. Бинолар тепасига қуёш панеллари ўрнатилади.

Тақдимотда мажмуанинг кейинги bosқичларини қуриш, сайёҳлар учун жозибадорлигини ошириш борасидаги ишлар ҳақида ахборот берилди. Уни арзон ва экологик тоза энергия билан таъминлаш учун Чирчиқ дарёсида кичик гидроэлектр станция барпо этиш мақсада мувофиқлиги таъкидланди.

Яна бир лойиҳа Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида океанариум қуришга қаратилган. Чирчиқ дарёси бўйида 20 гектарда мўлжалланган ушбу океанариум сайёҳларни жалб этадиган яна бир маскан бўлади. Ёнида савдо-меҳмонхона мажмуаси ҳам қурилиб, уларда жами 1 минг 600 та иш ўрни очилади.

Шунингдек, Яккасарой туманида турар-жой ва ишбилармонлик маскани барпо этиш мўлжалланган. Унда кўп қаватли уйлар, боғча ва мактаблар, спорт ва соғломлаштириш масканлари, меҳмонхона ва савдо офислари бўлиши кўзда тутилган.

Президентимиз лойиҳаларнинг ҳуқуқий, молиявий жиҳатлари ҳамда инфратузилма масалаларини ҳар томонлама ўйлаб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Мутасаддиларга сифат ва муддатни аниқ белгилаб, бажарилишини назорат қилиш топширилди.

Ў.А.



## “Янги Ўзбекистон” массивига пресс-тур ташкил этилди

Беҳзод АҲМАДҚУЛОВ,  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Сирдарё вилояти  
Қурилиш ва уй-жой  
коммунал хўжалиги бош  
бошқармаси ҳамда Қурилиш  
ва уй-жой коммунал  
хўжалиги соҳасида ҳудудий  
назорат қилиш инспекцияси  
ташаббуси билан Янгиер  
шаҳрининг Абдураҳмон  
Жомий номли маҳалласида  
барпо этилаётган “Янги  
Ўзбекистон” массивига  
пресс-тур ташкил этилди.**



Тадбир давомида ОАВ вакиллари ҳамда инфратузилма объектлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 30 апрелдаги “2024 йилда ипотека кредитларини ажратиш механизмларини такомиллаштириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги фармони асосида 16 гектар ер майдонида 5 минг аҳолига мўлжалланган жами 50 та кўп қаватли турар жой биноси қурилиши кўзда тутилганди. Айни вақтда 400 хонадонли 20 та уй фойда-



ланишга топширилиб, аҳоли янги манзилга кўчиб ўтди. Йил якунига қадар яна 30 та кўп қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

– Уй-жойлар билан бир қаторда маҳалла маркази, 600 ўринли мактаб, 180 ўринли болалар боғчаси, замонавий тиббиёт муассасаси, спорт мажмуаси, коворкинг, экобозор ва бошқа зарур инфратузилмалар барпо этилмоқда, – деди Сирдарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари Маъруф Ҳожиёв. – Бўш майдонларга кўчатлар экилиб, яшил ҳудудлар, хиёбонлар барпо этилади. Эътиборли жиҳати, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида массив яқинида кичик саноат зонаси ҳам ташкил этилган. У ерда ҳозиргача 21 та лойиҳа жойлаштирилиб, 2 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилган.

Булардан ташқари, массивдаги уй-жойларга 0,7 километр автойўл, 3,5

километр ичимлик суви, 2,8 километр оқова сув, 4 километр электр ва 5 километр газ тармоқлари ҳам тортилади. Ҳозирда 2,7 километр масофада электр узатиш тармоқлари қурилиб, ер ости кабеллари ўрнатилиши давом этмоқда. Шунингдек, 1 та иссиқлик қозонхонаси қуриб битказилди ва 20 та кўп қаватли уйдаги 400 та хонадонни иссиқлик билан таъминлаш мақсадида 1,2 километр тармоқлар тортилиб, қишки мавсумда синовдан ўтказилди.

Дарҳақиқат, “Янги Ўзбекистон” массиви нафақат турар жой, балки барча зарур инфратузилма, иш ўринлари ва ижтимоий хизматлари мавжуд замонавий маскан сифатида барпо этилмоқда. Бу каби лойиҳалар шаҳар ва туманларнинг юзи бўлиб, аҳолининг турмуш сифати ҳамда фаровонлигига хизмат қилади.

Пресс-тур давомида ОАВ вакиллари “Янги Ўзбекистон” массивида қурилиб, фойдаланишга топширилган аҳоли хонадонларига ҳам ташриф бую-

риб, яшаш шароитлари билан яқиндан танишди.

– Тижорат банкларининг ипотека кредити асосида олган 3 хонали хонадонимга кўчиб ўтганимга ҳадемай икки йил бўлади, – деди 6-ўйда яшовчи Умида Сариева. – Қўриб турганингиздек, уйимиз шинам. Барча қулайликлар мавжуд. Бундан нафақат мен, балки фарзандларим ва яқинларим бирдек хурсанд. Чунки, шаҳарлардаги шинам уйлардан қолишмайдиган шарт-шароит мавжуд. Олдиниға мен ҳам иккиланганман. Янги жой, келажаги қандай бўларкан, деб. Кичик фарзандим боғчага бориши учун боғча, катталари мактабга бориши учун мактаб, ҳатто аҳолиға тиббий хизмат кўрсатадиган тиббиёт муассасаси ҳам бунёд этиляпти.

Ҳақиқатан ҳам, Янгиер шаҳрида бунёд этилаётган ушбу массив гўзал, киши эътиборини тортадиган масканга айланмоқда. Бунга пресс-тур давомида иштирокчилар яна бир бор амин бўлишди.

Қашқадарё

вилоятининг Китоб туманида жойлашган “Тахтақорача”

довонида 4 қаватли шинам меҳмонхона ишга туширилди. “Омад Сервис Қурилиш” МЧЖ томонидан амалга оширилган ушбу лойиҳа қиймати 3 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Лойиҳанинг биринчи bosқичи доирасида 100 ўринли замонавий меҳмонхона ва 300 ўринли оилавий ресторан барпо этилган бўлса, лойиҳанинг иккинчи bosқичида 20 та капсула уйлари ҳам олиб келиниши режалаштирилган.

3



Президент ташаббуси – амалда

## СУРХОНДАРЁДА МЕГАЛОЙИҲАНИНГ иккинчи босқич қурилиши бошланди



**Термиз туманидаги Солибод маҳалласида “Тўпаланг” сув омбори сувидан фойдаланиш ҳисобига Сурхондарё вилоятининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш” лойиҳасининг иккинчи босқичига старт берилди.**

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Раматов, вилоят ҳокими У. Қосимов, “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Сангинов, “Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Сувонкулов, нуронийлар ва жамоатчилик вакиллари, лойиҳага масъул ижрочи ташкилотлар раҳбарлари, муҳандис-қурувчилар оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимизнинг 2021 йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига таширифи чоғида илгари сурган ташаббусларига мувофиқ амалга оширилаётган мегалойиҳа доирасида “Тўпаланг” сув омборидан Термизгача 382 километр масофада магистраль сув тармоғи қурилиши боғлиқ бўлиши билан 160 километрини магистраль, 222 километрини воҳанинг 12 та тумани ва вилоят марказини минералларга бой сув билан



таъминлаш узелларигача бўлган ички қувурлар ташкил этади.

Лойиҳа тўлиқ ишга тушса, “Тўпаланг” сув омборидаги оби ҳаёт вилоятнинг Сарийосиё, Денов, Олтинсой, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Термиз, Бандихон, Қизилқум, Ангор, Музробот, Шеробод туманлари ва Термиз шаҳридаги 495 та маҳалланинг 1 миллион 700 мингга яқин аҳолисини зилол сув билан таъминлайди.

Ўтган йилларда қурилиш бош пудратчиси “То’palang HPD Platinum” масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари мураккаб лойиҳада йирик ҳажмдаги ишни амалга ошириб, 153 километрдан ортқ сув қувурини тортиди. Сарийосиё туманида битта минг куб-

Термиз туманидаги Солибод маҳалласида 4 минг 853 киши яшайди. Аҳоли артезиан қудуғи орқали ичимлик суви билан таъминланади.

– Сўнгги йилларда ерости сувининг чўқиши натижасида сувимиз таркиби ўзгарди, – дейди солибодлик меҳнат фахрийси Очил Хирожов ЎЗА мухбири Холмўмин Маматрайимовга. – Озгина шўрланди. Биз тарафларга ҳам “Тўпаланг” сув омбори суви етиб келишини эшитиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилмоқда. Бунинг учун давлатимиздан беҳад миннатдоримиз.

Худудларга денгиз сатҳидан 400 метр баландликдаги “Тўпаланг” сув омборидан юқори босимда келадиган оби ҳаёт дастлаб сув тозалаш иншоотига қўйилади. Замонавий автоматлаштирилган тизим орқали дарё суви бир неча босқичда филтёрланиб, қайта ишлов берилади. Тиндирилиб, қум ва чўкиндилардан сифатли тозалангач, магистрал қувурларга тақсимланади.

Шу кунги Бош вазир ўринбосари А. Раматов янги сув тармоғини тортиш лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Бош вазир ўринбосарига сув тозалаш иншоотлари, ўрнатилган замонавий технологиялар, автоматлаштирилган онлайн бошқариш тизими, туманларда барпо этилган резервуарлар тўғрисида ахборот берилди.

Лойиҳа жорий йилнинг декабрь ойида тўлиқ фойдаланишга топширилади. Лойиҳа жорий йилнинг декабрь ойида тўлиқ фойдаланишга топширилади.

## ТИРБАНДЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ муаммо, таклиф ва ечим

**Закирё БУЗРУКОВ,** Наманган давлат техника университети профессори.  
**Файзулло НИШОНОВ,** доцент (PhD).

**Бугунги кунда барча мамлакатлар ва шаҳарларда транспорт тирбандлигини қандай қилиб бартараф қилиш мумкинлиги долзарб масалага айланган. Қувонарлиси, дунёнинг кўпгина шаҳарлари олдида турган ушбу тигиз муаммони бартараф қилиш бўйича илдам қадамлар ташланаяпти. Халқаро миқёсда йирик мегаполисларда ушбу масала бўйича қўлланилган оқилона тадбирлар ҳисобига ижобий натижага ҳам эришилмоқда.**

Мамлакатимизда эса табиийки, бу борадаги энг муаммоли ҳудудлар – Тошкент шаҳри ва вилоят марказлари бўлиб қолмоқда.

Тирбандликнинг асосий сабаблари – автомобиллар сонининг ўсиши, эскирган йўл инфратузилмаси, режасиз таъмирлаш ишларининг олиб борилиши, автомобилларни белгиланмаган жойларга тартибсиз қўйилиши кабилардир. Буларнинг барчаси ҳайдовчиларда шовкин билан биргаликда руҳий зўриқиш ҳолатини келтириб чиқаришидан ташқари, фавқуллода хизматларнинг тезкор ишлашига тўсқинлик қилади ва ёнигли сарфи ошиши ортидан атмосферага қўшимча зарарли моддаларнинг чиқарилишига сабаб бўлади. Ўз навбатида, шаҳар аҳолисининг ишга кечикиб бориши натижасида сезиларли иқтисодий йўқотишларга олиб келади. Масалан, ходимларнинг ишга кечикиши тўғрисида Лондонда ҳар кун 1 миллион фунт стерлинг миқдорида зарар қўрилиши фикримиз далилидир.

Статистика натижалари шуни кўрсатадики, бугунги кунда Тошкент шаҳри йўллари 61 фоизга ортқ юкланган бў-

либ, ҳар бир йўналиш шунча миқдорда ортқча вақт сарфлайди. Кечкурун эса ушбу кўрсаткич 110 фоизгача ортади. Таққослайдиган бўлсак, Токио аҳолиси ва майдони Москва билан деярли тенг бўлсада, аммо кунчиқар мамлакатнинг гавжум мегаполисларида ҳеч қандай тирбандлик кузатилмайди. Чунки Японияда уч сатҳли, яъни пастки сатҳда туман йўллари, юқорисида туманлараро ҳамда учинчисида эса магистраль йўллар ташкил этилган. Бу йўлларнинг узунлиги Россия пойтахтига нисбатан 7 марта ортқ.

Муаммога ечим топишнинг бундай усули жуда самарали ҳисобланади. Аммо ҳар бир шаҳар бундай замонавий йўл-созлик ишларини олиб бориш учун ҳам иқтисодий тарафдан, ҳам барпо этиш технологиясининг мураккаблиги нуқтаи назаридан бугунги кунда тайёр эмас.

Буюк Британияда шаҳарнинг айрим ҳудудларига шахсий транспортда кириш учун ҳақ тўлаш тизими жорий қилинган бюджетта катта даромад келтиришдан ташқари, йўлларнинг автомобиллар билан юкланишини бироз пасайтиришга



ҳам хизмат қилаяпти. Лекин тирбандлик буткул ҳал қилинмаган. Хитой ҳукумати эса фуқароларни велосипедларда ҳаракатланишга ундамоқда. Ҳар бир метро бекати яқинида велосипед парклари бор. Мамлакатда метро билан бир қаторда асосан велосипеддан фойдаланиш афзал қўрилади. Америка Қўшма Штатларида машинада бир кишидан ортқ йўловчи бўлса, у ҳолда юқори тезликдаги йўлақлар бўйлаб ҳаракатланишга имконият берилади. Мадридда ерости автомобиль йўллари ва машиналар сақлаш жойларини қуриш ривожланмоқда.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида тирбандлик билан боғлиқ жиддий вазият кузатилаётганиги сабабли, биз айнан тирбандликка қар-

ши кураш усулларини кўриб чиқишимиз зарур. Шаҳарларимизда кўп йиллар давомида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аллоҳида махсус ташкилотлар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ушбу ташкилотларга шаҳарда хавфсиз ва самарали йўл ҳаракатини ташкил этиш мақсадида кенг ваколатлар юклатилган. Улар йўлларда юзага келган қийинчиликларни тезда ҳал қилишга ёрдам беради, шунингдек, узоқ муддатли тирбандликнинг олдини олиш бўйича иш олиб бормоқда.

Тошкентда айни пайтда машиналарни сақлаш учун кўп қаватли пуллик жойлар ташкил этилиб, кўчалар реконструкция қилинмоқда ҳамда янги йўллар барпо этиляпти. Шунингдек, ҳукумат

томонидан жамоат транспорти тармоғини ривожлантиришга ва велосипед йўлларини ташкил этишга катта эътибор қаратилаяпти. Вилоят марказларида ҳам бу борадаги ишларни ривожлантириш долзарб вазифа ҳисобланади.

**Замонавий шаҳарларда умумий транспорт инфратузилмаси ва йўл ҳаракатини бошқариш тизимини яратилишнинг асосий камчиликлари қуйидагилардан иборат:**

- ◆ шаҳар автомобиль йўллари солиштирма зичлигининг камлиги ва иккинчи даражали авто-мобиль йўллари тармоғининг етарлича ривожланмаганлиги;
- ◆ шаҳар кўчалари ва кесимчаларини ўтказиш қобилиятининг пастлиги;
- ◆ жамоат транспорти, енгил ва юк автомобилли, махсус мақсадга мўлжалланган транспортларнинг биргаликдаги ҳаракати ташкил этилганлиги;
- ◆ шаҳар ичидаги транспорт ҳаракатлари инфорацион таъминот тизимига эга эмаслиги;
- ◆ вақтинчалик ва кўп қаватли автомобиль сақлаш жойларини етарлича ташкил этилмагани.

Тирбандликнинг доимий учрайдиган сабабларидан яна бири – авария ҳолатларининг содир бўлиши билан боғлиқ. Ҳаттоки, аризмаган йўл транспорт ҳодисаси ҳам кўпинча ҳаракатни тўхта-тишга сабаб бўлади. Автомобиль эгалари ЙТҲга учраган автомобилларини четта

олиб қўйиш ўрнига, улар маълум муддат йўл-патруль хизмати ходимларини кутишларига тўғри келади.

**Хўш, йўллардаги тирбандликларни қандай бартараф қилиш мумкин? Биз юқоридаги ҳолатларни таҳлил қилган ҳолда қуйидаги 8 та усулни тавсия қиламиз:**

- ◆ йирик шаҳарларда кўп сатҳли йўл структурасини барпо этиш;
- ◆ ўзаро боғланган йўлларни ташкил этиш;
- ◆ йўл ёқалаб барпо этилади-ган иморатларни замонавий талаблар асосида лойиҳалаш ва қуриш;
- ◆ йўлларда содир бўладиган аварияларни тезкорлик асосида бартараф этиш;
- ◆ йўлларни автомобиллар энг кам ҳаракатланадиган вақтда ёки тунда таъмирлаш;
- ◆ жамоат транспорти ҳаракатини кенг миқёсда омалаштириш;
- ◆ шаҳар ичида ва шаҳар ташқари-сида автомобиль сақлаш жойларини кўпайтириш;
- ◆ шаҳар ичида ҳаракат йўналишини ўзгартиришга имкон берадиган йўл полосаларини ташкил этиш.

Ҳар бир давлат бу муаммони ҳал қилишда ўз йўлини таллайди. Бироқ шароит ва ечимлар турлича бўлиши табиий. Қолаверса, масалани бартараф этишнинг самарали усуллари мавжуд экан, бунга тизимли равишда ёндашиб, катта молиявий ҳаражатларни хал қилишга тайёргарлик кўриш мақсадга мувофиқ.



### Сувдан оқилона фойдаланиш инсоний бурчимиз

**Нигора НОЗИМЖОНОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Сир эмас бугунги кунда дунё бўйича ичимлик суви танқислиги глобал муаммога айланиб бормоқда. Ушбу қимматли неъматни исроф қилмаслик, ҳар томчисидан қадрли фойдаланиш муҳим вазифа бўлиб турибди.**

Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан бу борадаги муносабатларни тартибга солиш, ноқонуний ҳолатларни бартараф этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, корхоналар, маҳаллалар ва таълим муассасаларида ичимлик сувидаги оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликларнинг олдини олиш юзасидан тушунтириш тарғибот тадбирлари доимий равишда ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилаётган рейд тадбирлари орқали ноқонуний ҳолатларнинг олди олинмоқда. 2025 йилнинг ўтган даврида ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб бориш тармоқларига 40 дан ортққ ноқонуний улашни аниқланган бўлиб, ушбу ҳолатлар бўйича сув таъминот ташкилотларига 163 миллион сўмлик қўшимча тўловлар ҳисоб-ланди. Аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан умумий миқдори 152,2 миллион сўмлик 63 та маъмурий жарималар қўлланилган.

Бундан ташқари, ўтказилган ўрганишларда ичимлик ва оқова сув тармоқларига ноқонуний улашни бўйича умумий суммаси 409 милли-

он сўмлик 3 та ҳолат бўйича ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди.

Шу кунларда кенг жамоатчилиги иштирокида ўтказилаётган тарғибот тадбирларида ҳам ичимлик суви тармоғига ўзбошимчалик билан уланганлик, сувни ҳисоблагич ва пломбаларига қасддан шикаст етказганлик ҳамда уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида ташқаридан аралашганлик учун тегишли жазо чоралари қўрилиши аҳолига етказиб борилмоқда.

Вилоятимиз аҳолиси ўртасида ичимлик сувини асраш, уни тежаб ишлатиш ва ичимлик сувиға бўлган муносабатни яхши томонга ўзгартириш, истеъмол қилинган сув ҳақи тўловларини ўз вақтида амалга ва оқова сувларни чиқариб бориш тармоқларига 40 дан ортққ ноқонуний улашни аниқланган бўлиб, ушбу ҳолатлар бўйича сув таъминот ташкилотларига 163 миллион сўмлик қўшимча тўловлар ҳисоб-ланди. Аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан умумий миқдори 152,2 миллион сўмлик 63 та маъмурий жарималар қўлланилган.

Бундан ташқари, ўтказилган ўрганишларда ичимлик ва оқова сув тармоқларига ноқонуний улашни бўйича умумий суммаси 409 милли-



Бухоро вилояти

## “Шавгон” тиббиётида янги бино, янги имконият

Зулфизар МАВЛОНОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сўнгги йилларда давлат раҳбари томонидан тиббиёт тизимига катта эътибор қаратилиб, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун ихтисослашган тиббий хизмат янада яхшиланмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида мамлакатнинг турли ҳудудларида замонавий тиббиёт муассасалари барпо этилмоқда, мавжуд поликлиникалар эса замонавий шароитларга мос равишда кенгайтирилмоқда.



Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги “Шавгон” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 12 мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиб келаётган 36-сонли оилавий поликлиника янги қўшимча бино билан таъминланди. Ушбу муассаса аҳоли саломатлигини мустақамлаш, тезкор ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Бунга қадар аҳолига 1998 йилда қурилган ва 50 нафар беморни қабул қилиш қувватига эга бўлган эски бинода хизмат кўрсатилиб келинарди. Ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини инобатга олиб, ташаббусли бюджет лойиҳаси доирасида 1,3 миллиард сўм маблағ ажратилиб, қўшимча бино қурилди. Ушбу янги бино туфайли поликлиниканинг қуввати 100 нафар беморга хизмат кўрсатиш даражасига етказилди. Шунингдек, бюджетдан ажратилган 1,5 миллиард сўм маблағ

ҳисобидан замонавий тиббий жиҳозлар билан ҳам таъминланди. Бу эса аҳолига янада сифатли ва замонавий тиббий хизмат кўрсатиш имкониятини яратди.

Янги қўшимча бино очилиш тadbирини Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов иштирок этиб, тиббиёт муассасасида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишди. Вилоят ҳокими чекка ҳудудларда ҳам шундай тиббиёт муассасаларини қуриш ва замонавийлаштириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Ушбу ташаббус аҳолига бўлган эътиборнинг яна бир исботи бўлиб, соғлиқни сақлаш тизимини риволантиришга қаратилган изчил сиёсатнинг натижасидир. Келгусида ҳам вилоятда аҳоли учун қулай ва сифатли тиббий хизматларни кенгайтириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Фарғона вилояти

## Ҳарбий ҳарбий хизматчилар учун туҳфа

Қадимдан “Ўз армиясини боқмаган халқ — ўзга армияни боқишга мажбур”, деган гап бор. Мустақил давлатнинг тинчлиги ва хавфсизлиги, фаровонлиги ва осойишта ҳаёти унинг ўз армияси, Қуrollи Кучлари томонидан химоя қилинади ва бу омил юрт тараққиётида муҳим ўрин тутати. Шу боис, Ўзбекистонда мамлакат мудофаа қудратини мустақамлашга жиддий аҳамият қаратиб келинмоқда.



Фарғона шаҳридаги ҳарбий қисмда “Жасорат мактаби” учун ўқув бино, ётоқхона ва “Фарғона” дала-ўқув майдони ҳудудида ҳарбий хизматчилар учун янги ошхонанинг бунёд этилгани ҳам ҳарбий соҳага, юрт мудофаасига кўрсатилаётган эътиборнинг бир намунасидир.

Янги объектларни фойдаланишга топшириш маросимида вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Хайрулло Бозоров, ҳарбий хизматчилар, фахрийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тadbирда мамлакатимизда Қуrollи кучлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритиб, бутунги кунда ёшларни ҳарбий- ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим вазифа экани, бунда армия муҳим ўрин тутиши эътироф этилди. “Жасорат мактаби” ҳарбий-ўқув йиғинида иштирок этадиган ёшлар учун яратилган шароитлар уларни ҳар томонлама чинқиришга, ҳаётни ўргатишга хизмат қилишини таъкидлади.

– Бу ерда бўлиб, армияни ўз кўзи билан кўрган ҳар бир ёшда Ватанга, оилага бўлган меҳр пайдо бўлади, – деди вилоят раҳбари.

Лойиҳага мувофиқ, 1 млрд 675 млн

сўм маблағ йўналтирилган мазкур объектда “Grand global gigant servis” МЧЖ томонидан мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилган бўлиб, биринчи қаватда 100 ўринга мўлжалланган ўқув синфлари, иккинчи қаватда эса аскарлар учун ётоқхона ва маиший хизмат кўрсатиш хонаси ташкил этилган.

Шарқий ҳарбий округ қўшинларининг “Фарғона” дала-ўқув майдони ҳудудида замон талаблари даражасида қурилган янги ошхона ҳарбий хизматчилар учун муносиб туҳфа бўлди. Tadbирда сўзга чиққанлар ҳам буни алоҳида эътироф этидилар.

Объектда “Тараққиёт қурилиш монтаж” МЧЖ томонидан 2 млрд 179 млн сўм маблағ ҳисобига мукаммал таъмирлаш, ҳудудни ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ошхонада озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва ишлов беришга мўлжалланган алоҳида хоналар ташкил этилиб, замонавий технологик жиҳозлар билан таъминланди. Озода ва шинам маскан ҳарбий қисмда хизмат қилаётган ҳарбийлар учун нафақат қулайлик, балки уларга руҳий-маънавий кўтаринкилик улашишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўз мухбиримиз.

Самарқанд вилояти

## Universitet va sanoat korxonalari hamkorligi markazi faoliyat boshladi



Jo‘ramirza QAYUMOV, Mirzo Ulug‘bek nomidagi Samarqand davlat arxitektura-qurilish universitetining Strategik rivojlantirish bo‘yicha birinchi prorektori.

Yaqinda universitetimizda Xitoyning yirik sanoat korxonalari – Hebei Lakoo Automation Equipment Co., Ltd. va Xing Tai Lang Tai Agricultural Technology Co., Ltd. vakillari bilan uchrashuv bo‘lib o‘tdi. Tadbirida universitet rektori Dr. Chidem Turkiylmaz, prorektorlar hamda Samarqand viloyati Investitsiya, sanoat va savdo boshqarmasining yetakchi mutaxassisi Ahmadjon Bahodirov ishtirok etdi.

Uchrashuv Xitoyda o‘tgan yilning oktyabr oyida universitet delegatsiyasining xizmat safari davomida erishilgan kelishuvlar doirasida tashkil etildi. Delegatsiya safar chog‘ida Hebei viloyatining Chingtai

shahrida joylashgan ikki yirik korxona – Xing Tai Lang Tai Agricultural Technology hamda Hebei Lakoo Automation Equipment kompaniyalariga tashrif buyurgan edi.

Ma‘lumki, Xing Tai Lang Tai korxonasi kabinali va kabinasiz kichik o‘lchamdagi traktorlar ishlab chiqarishga ixtisoslashgan bo‘lib, ularning mahsulotlari bugun jahon

bozorida yuqori talabga ega. Uchrashuv chog‘ida traktorlarning ishchi qismlarini O‘zbekistonda, xususan, SamDAQU huzuridagi Inkubatsiya markazida ishlab chiqarish bo‘yicha muhim kelishuvga erishilgan. Dastlabki bosqichda traktor qismlarining 25 foizi aynan ushbu markazda ishlab chiqarilishi rejalashtirilmoqda. Shuning-

Қашқадарё вилояти

## Ўзорда 31 та оилага замонавий хонадонлар ҳадя қилинди

Шўхрат НОРМУРОДОВ, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Муборак Рамазон ойи муносабати билан “Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ ва ташаббускор “Озод Ибрат Капитал Қурилиш” ҳусусий корхонаси томонидан Ўзор туманида кам таъминланган ва ногиронлиги мавжуд 31 та оилага янги хонадонлар ҳадя қилинди.

Фуқароларга тумanning Мустақиллик маҳалласида қурилган кўп қаватли уйлардан замонавий 23 та хонадон ва Қорақўл маҳалласидаги Машғал массивида 8 та 2 сотихли намунали ховлилар топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тadbирда вилоят ҳокими Муротжон Азимов иштирок этиб, Президентимизнинг камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича берган топшириқлари ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берди ва хона-



дон қалитларини ўз эгаларига тантанали топширди. Шунингдек, вилоят ҳокими ташаббускор хомийларнинг меҳнатини алоҳида эътироф этган ҳолда ўз миннатдорчилигини билдирди ва муносиб тақдирлади.

## “Тахтақорача” дово­нида янги туризм объек­тлари ишга тушди

Бугун жаҳонда туризм саноати глобал иқтисодийётнинг муҳим секторига айланди. Ҳаттоки, баъзи давлатларда сайёҳлик – ўша мамлакатнинг драйвери, яъни ривожланиш кучига айланган.

Бу борада имкониятлари юқори бўлган ҳудудлардан, Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани ўзининг бетақдор табиати, тоза ҳавоси ва сўлим манзаралари билан ажралиб туради. Айниқса, “Тахтақорача” дово­ни баҳор ва ёз фаслларида яшилликка бурканган тоғ ён-бағирлари, шовуллаган булоқлари ва кўзни қамаштирувчи манзаралари билан сайёҳларни ўзига ром этади. Ушбу ҳудуд экотуризм ва сайёҳлик учун катта имкониятларга эга бўлиб, қиймати 3 миллион АҚШ долларил­лик янги лойиҳанинг амалга оширилиши тумanning туристик қиё­фасини янада намоён этади.

“Тахтақорача” дово­нида ишга туширилган ушбу объект “Омад Сервис Қурилиш” МЧЖ томонидан амалга оширилиб, у эндиликда ҳудуднинг туристик салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади. Лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида 100 ўринли замонавий меҳмонхона ва 300 ўринли оилавий ресторан барпо этилди. Ушбу объек­тлар сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли учун қулай дам олиш шароитларини яратиш мақсадида қурилган

бўлиб, меҳмонларга юқори даражадаги хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Шунингдек, лойиҳанинг иккинчи босқичида 20 та капсула уйлари ҳам олиб келиниши режалаштирилиб, бу ҳудудга ташриф буюрувчилар учун янада замонавий ва қулай турар жой имкониятларини яратди.

Турист­ик масканнинг тантанали очи­лиш маросимида Президент мас­лаҳат­чиси ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев, вилоят ҳокими Муротжон Азимов ва бошқа мутасаддилар, нурунийлар, кенг жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Мазкур лойиҳа туфайли нафақат маҳаллий аҳоли учун янги иш ўрин­лари яратилмоқда, балки, ҳудудга чет эллик ва маҳаллий сайёҳларнинг жалб қилинишига ҳам катта ҳисса қўшилади. Келгусида ушбу масканни янада ривожлантириш ва қўшимча туризм объек­тларини барпо этиш ре­жалаштирилган бўлиб, бу Китоб туманини юртимизнинг диққатга сазовор сайёҳлик масканларидан бирига ай­лантиришга замин яратди.

Қарши шаҳри кейинги 18 йил ичида Косон, Қарши ва Кўкдала туманлари ҳудудига қараб 7 767 гектарга, яъни қарийб икки баравар кенгаяди. Бу борада Ҳуку­мат жорий йил 24 февралда Қарши шаҳрининг янги бош режасига доир тегишли қарорни қабул қилди.

Ҳужжатга кўра, Қарши шаҳрининг ҳозирги 8 308,9 гектар ҳудуди 2030 йилнинг охирига қадар (биринчи навбатда) 11 минг 26,8 гектар, 2042 йил якунигача (ҳисоб даврида) эса 16 минг 73,6 гектаргача ўзгаради. Шу йилларда шаҳар аҳолиси сони 300 минг кишидан мос равишда 400 минг ва 470 минг кишигача кўпайиши кутилмоқда. Уй-жой фонди эса бугунги 3 млн 992,27 минг квадрат метрдан би­ринчи навбатда 7 млн 200 минг квад­рат метр, ҳисоб даврида 10 млн 810 минг квадрат метргача ошиши режа қилинган. Шунда, уй-жой билан таъ­минланиш даражаси бир кишига ўр­тача 14,1 квадрат метрдан 2030 йилда 18 квадрат метр, 2042 йилда эса 23 квадрат метргача кўтарилади. Эъти­борлиси, шаҳар уй-жой фондининг умумий майдонида 2-3 ва 4-5 қаватли уйларнинг ҳис­саси кескин камайиб, 7, 12, 14 ва 16 қаватли уйларнинг ҳис­саси ортади, шу билан бирга 9 ва 20 қават­ли уйлар барпо этилади.

Шаҳарда мактабгача таълим таш­килотларининг қуввати ҳозирги 11,8 минг ўриндан биринчи навбатда 22 минг, ҳисоб даврида 29 140 ўринга­ча, умумтаълим мактаблари қуввати эса мос равишда 38 минг ўриндан 64 минг ва 74 260 ўрингача ошади. Худ­

dek, Hebei Lakoo Automation Equipment korxonasi qurilish sanoatiga yo‘naltirilgan, g‘isht va devor materiallarini tayyorlashga mo‘ljallangan zamonaviy mashina hamda uskunalarni ishlab chiqarish bilan shug‘ul­lanadi. Hamkorlik natijasida bu yo‘nalishda ham O‘zbekistonda, xususan, Samarqand­da, texnologik jarayonlarni yo‘lga qo‘yish bo‘yicha dastlabki qadamlar tashlandi.

Universitet delegatsiyasining Xitoy­ga xizmat safari chog‘ida o‘zaro anglashuv memorandumlari imzolangan bo‘lib, bu­gunga kelib bu kelishuvlar asosida Samar­qand davlat arxitektura-qurilish universite­ti Inkubatsiya markazi huzurida Universitet va sanoat korxonalari hamkorligi markazi faoliyat boshladi. Mazkur markazda trak­torlar uchun zarur bo‘lgan ehtiyo­v qismlar hamda qurilish sohasida foydalaniladigan xomashyolarni tayyorlash uchun zamonaviy stanoklar (dastgohlar) ishlab chiqarish­ni yo‘lga qo‘yish rejalashtirilyapti. Bu esa nafaqat sanoat ko‘lamining kengayishiga, balki talabalar uchun amaliyot bazasining kuchayishiga ham xizmat qiladi.

Bir so‘z bilan aytganda, bu tashabbus mamlakatimizda ilm-fan, ta‘lim va ishlab chiqarish o‘rtasidagi hamkorlikni mus­tahkamlash yo‘lidagi muhim qadamlardan biridir.

## Қарши шаҳри ҳудуди кенгайтирилади

ди шу таразда шаҳардаги шифохона ва поликлиникалар, дўконлар ва умумий овқатланиш шохобчалари, клублар ва маданият саройлари, театр ва кино-театрлар, меҳмонхоналар ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ҳам хизмат қамрови кенгаяди.

Шаҳарда магистраль кўчаларнинг узунлиги (ҳозир 88 километр) 2030 йил охирида 155,35 километр, 2042 йил якунида эса 291,33 километрни ташкил қилиб, йилига ташиладиган йўловчилар сони шунга мос равишда кўпаяди. Муҳандислик ва техник ин­фратузилма соҳалари (ичимлик суви, газ, электр энергияси ва иссиқлик таъминоти, канализация) бўйича ҳам жадал ривожланиш назарда тутилган.

Қаршида экологик муҳитни ях­шилаш, атроф-муҳит ва аҳоли сало­матлигига салбий таъсир кўрсатиш омилларини камайтириш мақса­дида экологик талабларга мос равишда умумий фойдаланишдаги кўкалам­зор ҳудудлар, майдони ҳисоб даврида 423 гектар, киши бошига 9 квадрат метр (ҳозирги ҳолати 178,4 гектар ва 6,3 квадрат метр), санитар химоя ҳу­дудлар майдони 586,7 гектар, киши бошига 12,48 квадрат метрга (ҳозирги ҳолати 166,5 гектар ва 5,88 квадрат метр) етказилади.

## Электр тармоқлари тизими учун янги техникалар топширилди

Вилоятда электр таъминотини барқарор ва узлуksиз сақлаш, юзага келиши мумкин бўлган авариявий ҳолатларни тезкорлик билан бар­тараф этиш мақса­дида “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан тезкор

чикиш бригадалари учун 20 дона махсус жиҳозланган “Дамас” хизмат машиналари топширилди.



Янги хизмат машиналари тақси­мотига кўра, Қарши шаҳар электр таъминоти корхонасига 3 дона ав­томобиль ажратилган бўлса, қол­ган машиналар туман ва шаҳарлар электр таъминоти корхоналарига берилди.

Тантанали топшириш мароси­мида мутасаддилар, соҳа вакиллари иштирок этишди. Маълумот ўрнида, Қашқадарё худудий филиали тарки­бидagi 54 та тезкор чиқиш бригадаси 24 соатлик навбатчилик асосида фао­лият юритади.



## БАРАКА КАЛИТИ “БАРАКА” БОЗОРИДА



Зиё СИРОЖ, “O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кўрғонтепа туманида янги савдо мажмуаси иш бошлади. “Барака” номи билан аталувчи бозор туман марказида жойлашганлиги боис, барча аҳолига бирдек қулайлик туғдирмоқда.**

– Аввалги бозоримиз нисбатан тор бўлгани учун харидорларга ҳам, сотувчиларга ҳам ноқулайликлар мавжуд эди, – деди яққа тадбиркор Абдуллажон Эргашев. – Шу боис, уни туман марказидан четроққа қўчиришди. Бозор нихоятда катта ва “Андижон-Хонобод” магистраль йўл ёқасида жойлашганлиги туфайли қўшни туманларда яшовчи аҳоли учун ҳам қулай имконият яратил-

ди. Бироқ, туман аҳолиси учун айрим муаммолар ҳам йўқ эмас эди. Масалан, янги бозорга бориш учун иккита транспорт воситасига чиқиш керак. Шунинг учун туман марказида ўз фаолиятини бошлаган “Барака” савдо мажмуаси кўрғонтепаликлар учун ҳақиқий барака калитига айланди.

– 1,2 гектар майдонда барпо этилган ушбу масканда 114 та савдо дўкони

мавжуд, – деди савдо мажмуаси раҳбари Акмалжон Маъруфжонов. – Шунингдек, 250 та савдо растаси ташкил этилди. Бунинг натижасида ҳозирга қадар 220 та янги иш ўрни яратилди. Тез орада уларнинг сони яна 200 тага ортади.

Савдо мажмуасида тадбиркорлар ва харидорлар учун барча шароитлар яратилган. Жўмладан, автомобиллар турар жойи, кузатув камералари, ёнгининг олдини олиш тизимлари ишлаб турибди. Эътиборли жиҳати, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, савдо маданиятини шакллантириш, харидорларга сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида савдо қилувчилардан олти ойгача ижара ҳақи талаб қилинмайди.



## “Инсон” марказининг янги биноси ишга тушди

**Боёв туманида аҳолига ижтимоий хизматларни янада сифатли ва қулай тарзда тақдим этиш мақсадида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

Муассаса туман марказига яқин жойлашган бўлиб, бино мукаммал таъмирланди, замонавий жиҳозлар ва хизмат кўрсатиш тизими билан таъминланди.

Марказнинг энг муҳим жиҳатларидан бири имконияти чекланган фуқаролар учун тўлиқ тўсиқсиз мухитнинг яратилгандир. Махсус пандуслар, кенг ва ҳаракатни енгиллаштирувчи инфратузилма – барчаси инсон кадрини юксалтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, марказга олиб борувчи Ислом Каримов номидаги кўча жорий йилда инклюзив кўчага айлантирилиши режалаштирилган. Бу эса туман аҳолиси учун янада кенг имкониятларни тақдим этади.

Янги бинога кўчиб ўтган марказ ўз фаолиятини янада самарали ва тизимли ташкил этиш имкониятига эга бўлди. Энди аҳоли “бир дарча”



тамойили асосида нафақа, моддий ёрдам, уй-жой, иш билан таъминлаш, ногиронлиқни аниқлаш каби муҳим ижтимоий хизматларни бир жойнинг ўзига, қулай шароитда олиш имконига эга бўлади.

Марказнинг очилиш маросимида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сирдарё вилоят бошқармаси бошлиғи Адҳам Байзақов, туман ҳокими Дилфуза Ўролова, нуронийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Ғулом Примов.

Тадбир иштирокчилари мазкур марказ ижтимоий ҳимоя тизимида фуқаролар эҳтиёжларини ўрганиш ва самарали ечим топишда муҳим платформага айланишини таъкидлашди. Шу билан бирга, хизмат кўрсатишда шаффофлик ва тезкорлик тамойиллари устувор аҳамият касб этиши қайд этилди.

## Приглашение к участию в тендерных торгах

Республика Узбекистан

Сектор: Сельское развитие

Закупка работ

Номер контракта: SRDP-KHR-W-03 RR

Номер кредита: UZB-1023.

Название проекта: Устойчивое развитие сельской местности

| ДЛЯ ПОСТУПЛЕНИЙ В СУМАХ:                     |                                                                                            |
|----------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------|
| Получатель:                                  | Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов.             |
| Адрес и телефоны получателя:                 | 100017, г. Ташкент, ул. Ниёзбек йули, 1, 4-й этаж, правый блок. Тел.: (+998 71) 207-84-07. |
| Банк получателя:                             | Ташкентский фил. АКИБ “Ипотека-банк” МФО 00419                                             |
| Р/С получателя в сум: ИНН, ОКОНХ получателя: | 2021 0000 7052 9450 7007<br>ИНН: 307 829 948                                               |

1. Правительство Узбекистана получило от Исламского банка развития (ИБР) кредит на реализацию проекта “Устойчивое развитие сельской местности” и намеревается использовать часть средств данного кредита для финансирования правомочных платежей на подрядные работы по нижеследующему контракту:

**SRDP-KHR-W-03 RR** – строительство ДОУ в СГМ “Узумзор” Багатском районе Хорезмской области.

2. Объединенная группа реализации проектов при Министерстве экономики и финансов, настоящим приглашает правомочных участников представить запечатанные тендерные предложения на выполнение вышеуказанных работ. Тендерные торги будут проводиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными Исламским банком в “Руководстве по закупке товаров, работ и сопутствующих услуг при финансировании проектов ИБР”, опубликованном в апреле 2019 года, и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в руководстве. Кроме того, обратите внимание на пункты 1.18-21, излагающим политику ИБР в отношении конфликта интересов.

3. Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Объединенной группе реализации проектов при Министерстве экономики и финансов и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты безвозвратного взноса для покрытия расходов по распечатке и рассылке, размер которого для каждого комплекта тендерной документации по 1 пакету составляет **1 250 000 сум**.

**Способ оплаты** – банковский перевод на нижеуказанный счет.

**Тошкент вилояти, Паркент туманида барпо этилаётган кўп хонадонли турар жойларни сотиш ишларини ташкиллаштириш учун хизматларни шартнома асосида кўрсатувчи ташкилотларни танлаб олиш бўйича**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик, кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш, кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари

кўрсатиш истагида бўлган ташкилотлар таклифлари қабул қилинади.

Энг юқори рейтингга эга ва самарали иктисодий таклифлар киритган ташкилотлар танлов ғолиби сифатида танланади.

Таклифлар 2025 йилнинг 7 апрелига қадар Тошкент шаҳри, Қатортол кўчаси, 46-уй манзилида “Perfect Capital Investment” МСН] офисида қабул қилинади.

Маълумот учун телефон: 90-996-59-09.

## ТУФИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**2025 йил апрель ойининг  
15-17 саналарида таваллуд  
айёмларини нишонлайдиган**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Молия-иқтисод бўлими бошлиғи **Одилжон Ҳайитов**, Иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш ва эксплуатация фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи **Илҳом Тўраев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Худудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишлари назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Шоҳбоз Турсунқулов**, ҳайдовчи **Рустам Гуламов**,

“Ташгипрогор” АЖ сектор раҳбари **Валентина Жарская**, архитекторлар гуруҳи раҳбари **Алла Ельцова**,

“Ўзоғирсаноат лойиҳа” АЖ ООРТ етакчи муҳандиси **Светлана Шегай**, ИЛСК бошлиғи **Тахирджан Баттыров**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура ва худудларни ривожлантиришни режалаштириш шўъбаси етакчи мутахассиси **Ерناзар Мамытов**, Нукус шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Шарьяр Сатуллаев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўйича бош мутахассиси **Дильфуза Қутлымуратова**,

Бухоро вилояти Шофиркон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи **Руслан Икромов**,

Фарғона вилояти Риштон тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассиси **Мурат Кузиев**,

Тошкент вилояти “Иссиқлик манбаи ИЧБ” ДУК Режа-техник бўлими бошлиғи **Сирожиiddин Зайниiddинов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Кўнгирот туманидаги “Таза Qonirat servis” МЧЖ БСК бош директори **Арыслан Қудайбергенов**,

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар “Лочин-Сан-жар Бошқарув компания” МЧЖ БСК бош директори **Хусниiddин Ибодов**,

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Servis Uyutniy Dom” МЧЖ БСК бош директори **Аскарбек Солибев**,

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги “Фазо-туҳ-фаси-сервис” уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи **Назозатхон Рустамова**, Чилонзор туманидаги “Olmazor-Tug'uln” уй-жой мулкдорлари ширкати бошлиғи **Озода Ибодоваларни** таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этиамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР,  
ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК,  
МУСТАҲҚАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**



ЎТМОЙ-ЎТМОЙ ГАЗЕТА  
**O'ZBEKISTON  
BUNYODKORI**  
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

Шерзод Хидоятлов,  
(Тахрир хайъати раиси),  
Давронжон Адилов,  
Тоир Алиматов,  
Озода Жўраева,  
Сирожиiddин Ёшқувватов,  
Козим Туляганов,  
Юлдаш Магруппов,  
Бобир Эмүрдов,  
Илҳом Аҳмедов.

**ТАХРИРИЯТ:**

|                         |                                    |
|-------------------------|------------------------------------|
| Бош муҳаррир            | <b>Дилшод<br/>Жалолов</b>          |
| Бош муҳаррир ўринбосари | <b>Райҳона<br/>Ҳўжаева</b>         |
| Саҳифаловчи             | <b>Акмал<br/>Маҳкаммов</b>         |
| Мусакхх                 | <b>Марҳамат<br/>Мусулмонқулова</b> |

**Газета “Ўзбекистон бунёдкори”  
Наشريёт уйи МЧЖ томонидан  
нашрга тайёрланди.**

**“ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ”  
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ  
МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси  
Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазирлиги,  
“Ўзсаноатқурилишматериаллари”  
уюшмаси, “ЎЗАШКЎЛТИ” ДУК,  
“ЎзшаҳарсозликЛИТИ” ДУК,  
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,  
“ЎзгеорангметЛИТИ” ДУК.

**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси, 18-уй.  
**Телефонлар:**  
71-241-01-29 (кабулхона),  
71-241-01-43 (таҳририят),  
71-241-01-29 (бухгалтерия),  
71-208-12-00 (реклама ва обуна  
бўлими).  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ХУДУДЛАРДАГИ  
МУХБИРЛАРИНИНГ  
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

Қорақалпоғистон  
Республикаси: 90-658-50-43.  
Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.  
Наманган вилояти: 91-365-07-36.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.  
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.  
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.  
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 0874-рақам билан  
рўйхатга олинган.  
Нашр индекси – 466.  
Буюртма – Г- 441.  
2047 нусхада босилди.  
Қўғоз бичими А-2.  
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида  
босилган. Баҳоси қилинган  
нардхда. ISSN 2181-8762. Таҳририятта  
қелган қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.  
Газета таҳририят компьютер  
марказида терибли ва саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан  
сифатли чоп этилишига  
“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,  
“Буюк Турон” кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –  
Р. Ҳўжаева.  
Навбатчи –  
А. Ҳақбердиев.

ЎЗА якуни – 2049.  
Топширилди – 2230.